

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Наманган мухандислик-технология институти

ректори

Маматкаrimов О.О.

08 2022 й



БУЮРТМАЧИ:

Наманган мухандислик-технология институти

*Институт талабаларининг маънавий марифий тадбирларни ўтказиш учун
мўлжалланган тадбирлар залини капитал таъмирлаш учун лойха-смета
хужжатларини тайерлаб бериши хизмати.*

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Наманган мухандислик-технология институти

Танлов хужжатларининг мазмунни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1 Институт талабаларининг маънавий марифий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган тадбирлар залини капитал таъмирлаш учун лойха-смета хужжатларини тайерлаб бериш хизмати.

1.2. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган мухандислик-технология институти, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-
танлов ташкилотчisi ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Косонсой кучаси, 7-й

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган мухандислик-технология институти биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси

бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

1. Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза
- 2.Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича руҳсат берувчи хужжатлар нусхалари.
- 3.Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот.
- 4.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 1 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот
- 5.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
6. Лойихалаш (курилиш) майдончасини куздан кечиргандиги турисида маълумот
7. Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш бўйича кафолат

Илова №2**Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жиҳатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Критерийларноми, мазмуни	Энгюкори балл	% хисобида
1.	Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат	20	90%
2.	Коррупция кўринишларга йўл кўймаслик бўйича ариза	10	
3.	Давлат руйхатидан утганилиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари	10	
4.	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.	15	
5.	Охирги 3 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича орттирилганиш тажрибаси.	20	
6.	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи	15	
7.	Лойихалаш (курилиш) майдончасини куздан кечирганлиги турисида маълумот	10	
8.	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)		10%